Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йилда 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 118 (21. 217) 1992 йил 17 июнь, чоршанба ● БАҲОСИ 2 СЎМ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

И. А. КАРИМОВ Сеулга келди

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Корея Республикаси Президенти Ро Дэ Ўнинг таклифига биноан 16 июнь куни шу мамлакатга расмий давлат ташрифи буюрди.

Тўрт кун давом этадиган ташриф чоғида ҳар иккала томонни қизиқтираётган жуда кўп масалалар юзасидан олий даражада музокаралар ўтказилади. Ташриф режасида Ўзбекистон бошлиғининг йирик саноат марказлари ва илмий марказларни бориб кўриши кўзда тутилган.

Маҳаллий матбуот И. А. Каримов МДҲ таркибидаги мамлакатлардан Жанубий Кореяга келган биринчи раҳбар эканлигини таъкидламоқда. Ўзбекистон ҳудудида ҳозир 200 мингдан ортиқ корейслар яшамоқда, деб ёзади матбуот.

Бу ерда Ўзбекистон Президентининг ҳозирги ташрифи чоғида Осиёдаги икки давлат ўртасида хилма-хил алоқаларни мустаҳкамлашга умид қилинмоқда, бу мамлакатлар ўртасида 1992 йил март ойида дипломатия муносабатлари ўрнатилган.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги.

РЎЗНОМА САҲИФАЛАРИДА:

1-БЕТ

● Дўстлик ва ҳамкорлик сафари

2-БЕТ

● Жўшқин амалий ишлар даври

3-БЕТ

● Кенгашганга кенг дунё

4-БЕТ

● Сўз ҳам малҳам

Муслима Исмоиловани Тўрткўл саноатчилари ҳурмат қилишади. У қарийб 30 йилдан буён электромеханик. Камтарин меҳнати билан шаҳар саноати ютуқларига муносиб ҳисса қўшаётир.

Б. АЛЛАШЕВ олган сурат.

ХДП: ҳаёт билан ҳамнафас

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

15 июнь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги муваккат ишлари вакили Ашок Мукержи ҳамда Ҳиндистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси иккинчи котиби Венкатеш Вармани уларнинг илтимосига кўра қабул қилди.

М. М. Расулов Ҳиндистон вакилларига Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсад ва вазифалари, шу бугунги фаолияти тўғрисида, республикадаги ҳозирги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий аҳвол ҳақида қисқача сўзлаб берди.

Сўнгра жаноб А. Мукержи Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги анъанавий тарихий ҳамда шу бугунги дўстлик алоқалари, ўзаро муносабатларнинг истиқболлари ҳақида гапирди. Шунингдек, у Ҳиндистонда асосан бешта йирик сиёсий партия мавжудлигини таъкидлади, шулар орасида энг катта партия — Ҳиндистон Миллий Конгресси партиясининг Ўзбекистон Халқ демократик партияси билан ўзаро алоқалар ўрнатиш истаги борлигини маълум қилди.

М. М. Расулов Халқ демократик партияси ҳам Ҳиндистондаги етакчи партия билан муносабатлар ўрнатиш ниятида эканлигини билдирди. Учрашув самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг парламент ишлари ва партияларо алоқалар бўлими мудири Ш. И. Шонсломов қатнашди.

«АЁЛЛАР АНЖУМАНИ» КЕНГАШИ

Тошкент шаҳар Халқ демократик партияси хотин-қизлар қўмитаси қошида «Аёллар анжумани» ташкил этилди. Унда шаҳар хотин-қизлар кенгашлари раислари, ранс муовинлари, таниқли олимлар, шоиралар, журналистлар, ҳайкалтарошлар, косметологлар қатнашдилар.

— Кенгашни тузишдан мақсадимиз, — деб гап бошлади Тошкент шаҳар хотин-қизлар кенгаши раиси Санъат Азизова, — жойлардаги хотин-қиз фаоллар ўзаро яқиндан мулоқотда бўлишса, дилдан маслаҳатлашишса, фикр алмашишса, болалар тарбияси, оила муаммоларини биргаликда ҳал этишса деймиз. Шунингдек, намунали хотин-қизлар кенгашлари тажрибаларини ўрганиб, аёллар масалалари бўйича фикр алмашиб турсак.

— Мен истардимки, — дея суҳбатни давом эттирди республика радиосининг «Дугоналар» эшиттириши редактори Матлуба Исломова, — барча соҳада ҳалол меҳнат қилаётган хотин-қизлар ўз меҳнатларига яраша эъзоз топишса. — Эъзозланган аёл эса ишонаманки, ўз ишига ўта масъулият билан қарайди.

Шунингдек, Малика Абдуллаева, Назира Абдуазимова, Ўктамхон Домлажоновалар ҳам сўзга чиқиб, мактаб, олийгоҳ талабаларининг илм олиши, бугунги оғир иқтисодий, ижтимоий жараёнда аёлнинг тутган ўрни, муқаддаслиги ҳақида гапирдилар. Анжуманда Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби Ҳ. Абдурамов ҳам қатнашди. У айтилган фикрларни жамлаб, аёлларнинг катта куч эканлигини таъкидлаб, шу боис улар халқ орасида партия йўлини кенг тушунтира олишлари мумкинлигига ишонч билдирди.

Кеча қатнашчилари бундай анжуманнинг ташкил этилишини айни муддао билиб, уни бир овоздан маъқулладилар. Хотин-қизларга тегишли ҳал қилиниши лозим бўлган қатор муаммолар мавжуд, уни ҳал этиш учун эса фидокор аёлларнинг жонбозлиги, куюнчаклиги жуда зарур эканини айтдилар. Бу уюшмага умри боқийлик, теранлик тиладилар.

Анжуман сўнгида ташкилий масалалар кўриб чиқилди. «Аёллар анжумани» кенгаши раиси этиб Муборак Йўлдошевна Юнусхўжаева шаҳримизнинг фаол аёллари Нурпошша Ғуломова, Нодира Рашидова, Расулзода Пахтагул, Нурхон Қиличева, Дилбар Рашидова, Малика Абдуллаевалар кенгаш аъзоларн этиб сайландилар.

М. ОБИДОВА.

ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

● РЕСПУБЛИКАМИЗ ПИЛЛАЧИЛАРИ УЛҚАН МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИНИ ҚЎЛГА КИРИТГАНЛИКЛАРИ ҲАҚИДА ХАБАРИНГИЗ БОР.

Бу йил белгиланган 29590 тонна ўрнига 32000 тоннадан зиёдроқ пилла топширилиб, режа 108 фоизга уддаланди. Ҳар бир қути уруғдан ўртача 62 килограммдан пилла олинди. Етиштирилган ҳосилнинг 85 фоиздан кўпроғи юқори навларга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси пилла етиштириш бирлашмасининг бош директори С. НАВРЎЗОВ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг мухбири билан суҳбатлашди.

Суҳбат бу ғалабани таъминлаган асосий омиллар ҳақида борди.

— Баҳорнинг ноқулай келиши қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида бўлгани каби пиллачиларни ҳам анча ташвишга солиб қўйди. Кучли шамол, дўл, сел бир қанча вилоят ва районларда пиллачиликнинг озуқа базасига сезиларли зарар етказди. Май ойида сурункали ёмғир ёғиши ва ҳаво ҳароратининг пасайиши ипак қурти ривожига салбий таъсир кўрсатди. Ана шундай шароитда миришкор пиллачилар кеча-ю кундуз тиним билмай меҳнат қилдилар. Ипак қурти етарли миқдорда тут барги билан таъминланиб турди. Бой тажрибадан унумли фойдаланиш ва фан ютуқларини ишга солиш туфайли мўл пилла ҳосили етиштиришга эришилди.

— Ҳукуматимиз пиллакорларнинг оғир меҳнатини эътиборга олиб, уларга бир қанча имтиёзлар яратяпти...

— Ҳақ гапни айтдингиз, Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 23 майдаги қарорида давлат ва жамоа хўжаликларига етиштирилган пилла ҳосилининг 75 фоизи давлат буюртмаси қилиб белгиланиши, 25 фоизи ва режадан ташқари ҳамма пиллани тижорат ёки эркин нархда Ҳамдўстлик мамлакатларига ёхуд хорижий давлатларга сотиш ҳуқуқи берилиши уларнинг пилладан келадиган даромадларига катта иқтисодий мадад бўлди. Бундан ташқари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан хўжаликларга пиллакор топширган кумуш толанинг ҳар бир килограммига 45 сўм иш ҳақи ва 10 сўмдан ижара ҳақи берилиши тўғрисидаги тавсияномаси пиллакорлар моддий манфаатдорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

— Ҳар соҳада бўлганидек, пиллачиликнинг ҳам ўз пешқадамлари бор. Бу йилги мавсумда қайси вилоятлар карнобошилик қилишди?

— Сурхондарё, Бухоро, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг пиллакорлари биринчиларидан бўлиб режани бажардилар. Андижон, Фарғона, Наманган, Навоий, Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари режани ошириб адо этиб, республика хирмонига муносиб ҳисса қўшдилар. Самарқанд, Тошкент вилоятлари ва Қорақалпоғистон пиллакорлари ғалаба арафасида туришибди.

Кўпгина районларнинг дала меҳнаткашлари пилла тайёрлаш ҳажмини йилдан-йилга кўпайтириб боришмоқда. Асака, Шаҳрихон, Балиқчи, Ғиждувон, Вобкент, Шофрикон, Қоракўл, Свердлов, Шаҳрисабз, Наманган, Иштихон, Охунбобоев, Бағдод, Бувайда, Учкўприк, Қува, Риштон, Тошлоқ, Ўзбекистон районларининг ҳар бири бу йил давлатга 450—600 тоннадан ошириб пилла топширдилар.

— Бой тажрибалари билан бошқаларга ўрнак бўлиб келаётган илғор пиллакорларнинг номини тилга олсангиз.

— Республикамизда ўн минглаб пиллачилар ўз ишларининг моҳир устаси сифатида жонбозлик кўрсатиб, пилла ҳосилини кўпайтирмоқдалар. Беруний районидан Қизларгул Римова, Избоскандан Тиллахон Мадраҳимова, Когондан Қурсия Ҳикматова, Дўстлик районидан Каромат Сафарова, Косондан Санам Рўзиева, Қизилтепа районидан Ўғилой Сафарова, Наманган районидан Марғуба Иномова, Челак районидан Муяссар Овалбоева, Термиз районидан Гўзал Жумаева, Ш. Рашидов районидан Қурбоной Саримсоқова, Зангиота районидан Муқаддас Иноятова, Тошлоқ районидан Нафиса Ҳайдарова, Хива районидан Каромат Салаева ва бошқа кўпгина пиллачилар ҳар қутидан 95—100 килограммдан пилла олишга эришдилар.

Ипак қуртини боқиш ва пилла тайёрлаш даврида жойлардаги жамоа ташкилотлари, хўжалиқ раҳбарлари ва мутахассислар катта ташкилотчилик ишларини олиб бордилар. Республикамиз хўжаликларида пилла тайёрлаш давом этмоқда.

РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Татаристон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Хаснулин бошчилигидаги шу республика ҳукумат делегацияси Ўзбекистонда бир неча кун бўлди.

12 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида Татаристон Республикасининг ҳукумат делегацияси билан учрашув бўлди. Ўзбекистон билан Татаристон ўртасида 1992 йил учун тузилган савдо-иқтисодий ҳамкорлик қоидалари тўғрисидаги битим беш ойлик якунлари бўйича қандай бажарилаётганлиги муҳокама қилинди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ. Ҳаққулов билан «Ўзконтрактторг» раиси Т. Шарипов иштирок этишди.

* * *

13 июнь куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси билан Татаристон Республикаси ўртасида 1992 йил учун тузилган савдо-иқтисодий ҳамкорлик қоидалари тўғрисидаги ҳукуматлараро битим қандай бажарилаётгани муҳокама қилингани ҳақидаги протокол имзоланди.

Протоколни Ўзбекистон Республикаси номидан Бош вазир ўринбосари Қ. Ҳаққулов, Татаристон Республикаси номидан Бош вазир ўринбосари М. Хаснулин имзоладилар.

* * *

Худди шу куни Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Татаристон Республикаси ҳукуматининг Елабуга енгил автомобиллар заводи қурилишини тугаллашда биргаликда иштирок этиш нияти тўғрисида протокол имзоланди.

Протоколни Ўзбекистон Республикаси номидан Бош вазир ўринбосари А. Возненко, Татаристон Республикаси номидан Бош вазир ўринбосари М. Хаснулин имзоладилар.

(ЎзА).

«АССАЛОМУ АЛАЙКУМ»— КИНОЭКРАН ШИОРИ

● 16 июнь куни Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI халқаро кинофестивалини ўтказиш ташкилий комитети аъзоларининг журналистлар билан учрашуви бўлди. Киноанжуман шу йил 8—15 октябрь кунлари республикамиз пойтахтида ўтади.

Бўлажак кинофестиваль аввалгилардан шуниси билан фарқ қиладики, унда фақат бадиий фильмлар намойиш этилади. Анжуманда 60 дан кўпроқ мамлакат кино усталарининг қатнашиши кўзда тутиляпти. Уни ўтказиш сарф-харажатларининг бир қисмини Маданият ва умуминсоний қадриятлар халқ академияси тўлайди. Фильмлар танловига ҳакамлик қилиш учун жаҳоннинг таниқли кино усталари таклиф этилади.

Шарқона «Ассалому алайкум» анжуманнинг шиори бўлади. Етук фильмлар учун махсус совринлар, энг яхши эркак ва аёл ролларн учун мукофотлар берилади.

(ЎзА).

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ҲАРБИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНЛИК ТАЛАБАЛАРГА

МУРОЖААТНОМА

Азиз ўзбекистонлик талабалар!

Кейинги ойларда жонажон республика ҳарбий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришни сўраб ёзилган хат ва аризалар кўплаб тушаётганлиги муносабати билан сизларга мурожаат қилаяпман.

Бундай илтимос қилишларингизнинг сабабларини жуда яхши тушуниб турибман. Бироқ, сизларга маълумки, Ўзбекистон Республикасида зобит ходимлар тайёрлаш фақат учта олий ҳарбий билим юрти (Тошкент олий умумқўшин қўмондонлари билим юрти, Тошкент олий танк қўмондонлари билим юрти ва Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлари билим юрти) фаолияти билан боғлиқ бўлган соҳалар бўйичагина амалга оширилмоқда.

Мазкур билим юртларидаги ўринларнинг имкони бўлган кўп миқдори ва уларнинг ихтисослашувини эътиборга олганда, республика ташқарисидаги барча ўзбекистонлик талабаларнинг таълимни шу ўқув юртларида давом эттиришларини яқин вақт ичида таъминлашнинг иложи йўқ.

1992 йил 15 майда имзоланган «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Бирлашган Қуролли Кучларини комплектлаш ва уларда ҳарбий хизматни ўташ қоидалари тўғрисидаги битим»нинг 5-моддасига мувофиқ «Ҳамдўстликда қатнашувчи давлатлар талабалар ва тингловчиларга ушбу битим имзолангунга қадар улар кириб ўқиётган ҳарбий ўқув юртларида таълим олишни бепул давом эттириш ва битириб чиқиш ҳуқуқи берилиши зарур деб ҳисоблайдилар».

Ҳозирги вақтда сизларнинг асосий вазифангиз ўқишга ва ҳарбий интизомга виждонан муносабатда бўлишдан, мустақил Ўзбекистон Қуролли Кучларини барпо этиш ва камол топтириш учун зарур бўладиган ихтисослар бўйича тегишли билим ва кўникмаларни олишдан иборат. Ҳарбий ўқув юртларини битириб чиққанингиздан кейин сизлар Ватанингизга қайтиб, ўз халқингизга хизмат қила оласиз.

Сизларга ўқишда муваффақият тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазири, генерал-лейтенант

Р. АҲМЕДОВ.

ЎЗБЕК ТИЛИ— ДАВЛАТ ТИЛИ

ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР

● Ўзбек тилига Давлат мақоми берилганига уч йил бўляпти. Бу давр мобайнида республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги атамашунослик қўмитаси кўпгина хайрли ишларни амалга оширди.

Бугунги кунда турли идора ва ишлаб чиқариш корхоналарида, дам олиш масканлари ва транспортда соф она тилида муомала қилиш йўлга қўйилганлиги бошланган савобли ишнинг самарасидир. Шаҳарлар ва қишлоқ жойларида инқилобий атама ва номлардан форғ бўлиняпти. Яқин кунлардан бошлаб Тошкент метросида фақат она тилида эълонлар қилиб борилиши кўпчиликни мамнун этмоқда.

Лекин, ҳали ўзбек тилининг мусаффолигини таъминлаш, унга давлат тили деб қараш борасида кўпгина камчиликлар ва амалга оширилиши лозим бўлган муҳим ишлар турибди. Айниқса, Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиакомпанияси, адлия, геология, коммунал хўжалиги вазирликлари, жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, об-ҳавони кузатиш марказида Қонунга риоя қилиш ўрнига, ўзбекча сўзлашувларга кам эътибор қилинмоқда. Айниқса, Тошкент тайёрагоҳида тилимизнинг мусаффолигига жиддий эътибор берилиши керак. Боиси, Мустақил республиканинг асосий дарвозаси ҳисобланган бу масканга ташриф буюрганлар Ўзбекистон ҳақидаги дастлабки таассуротларни шу ерда оладилар. Ўзбекистан Мудофаа ишлари вазирлигида ҳам тил билан боғлиқ юмушлар янгича ташкил қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Атамашунослик қўмитасида ўзбек тили билан боғлиқ катта луғатни тайёрлаш ишларига жиддий ҳозирлик кўрилмоқда. Айни пайтда эса мазкур қўмитанинг соҳалар бўйича шўъбаларида зарур луғатларнинг қўлёзмалари тайёрлаб қўйилган. Чунончи, кимё соҳасида салкам 40 минг сўзли, қурилиш ва меъморчилик бўйича қарийб 70 табоқдан иборат луғат қўлёзмаси ҳозирланган. Масаланинг муҳим томони шундаки, мутахассислар ва ўқувчилар учун катта маънавий манба бўладиган бундай луғатларни босиб чиқариш учун қоғоз танқислиги тўғаноқ бўлиб турибди.

Республика атамашунослик қўмитасининг навбатдаги йиғилишида ана шундай муаммолар борлиги маълум бўлди. Йиғилишни атамашунослик қўмитасининг раиси О. Ёқубов бошқарди. Йиғилишда ўтган уч йил мобайнида амалга оширилган ишлар ва бундан кейин рўёбга чиқариладиган режалар хусусида республика ҳукумати номига ёзилган хатнинг матни ўқиб эшиттирилди. Йиғилганлар ўз таклиф, мулоҳазаларини ўртага ташладилар. Кўзда тутилган мақсад — қўмитага моддий ёрдам кўрсатиш, ноширчилик билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда бир тўхтамга келиш масаласи илгари сурилди. Мажлис иштирокчилари хатнинг қўшимчалар билан тўлдирилган ҳолатини маъқуллашга тайёр эканликларини изҳор этишди.

М. АНВАРОВ.

ХДП: СИЁСИЙ ТАШКИЛОТ НУФУЗИ

● Узбекистон Халқ демократик партияси ўзининг кўп миллатли таркиби, байналмилал жиҳатлари билан бошқа сиёсий партия ва ҳаракатлардан ажралиб туради. Жумладан, бизнинг вилоят ташкилотимиз таркибида 35 миллат вакиллари борлиги бунга яққол мисолдир.

ИЧКИ партиявий демократияни ривожлантириш, мафкуравий ишларни такомиллаштириш, ХДПга янги аъзоларни қабул қилишда Ғиждувон, Вобкент, Ромитан, Бухоро ва Жондор район партия кенгашлари алоҳида ташаббускорлик кўрсатмоқдалар. Вилоят кенгашининг ижроия бюроси Ўзбекистон ХДП Жондор район кенгашининг пар-

КУЧ—ЯКДИЛЛИКДА

тия сафларини кенгайтириш соҳасидаги серқирра фаолиятини чуқур ўрганиб, шу масала юзасидан махсус қарор қабул қилди. ХДП Бухоро район кенгаши қисқа давр ичида қишлоқлар ва маҳаллаларда 86 та ҳудудий партия ташкилотларини тузди. Бу ташкилотлар ички партиявий ва мафкуравий ишлар билангина чекланиб қолмай, меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя этиш, қишлоқларни газлаштириш, водопроводлаштириш, кўчаларни ободонлаштириш муаммоларини ҳал қилишга ҳам бош-қош бўлмоқдалар.

ХДП Қоракўл район кенгаши таклифи билан дала ишлари бўлмаган пайтларда ҳам меҳнаткашларга товон пули тўловлари берилди. Шофиркон районидаги Иброҳим Мўминов номли жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти хўжалик бошқаруви, касаба уюшмаси ва ёшлар ташкилоти билан биргаликда кам таъминланган аҳолини ижтимоий ҳимоялашга хизмат қилувчи жамғарма ташкил этди. «Шофиркон» жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти эса бир гуруҳ колхозчиларни ХДП Марказий Кенгаши рўзномаси «Ўзбекистон овози»га бепул обуна қилди. Хуллас, шунга ўхшаш хайрли тадбирлардан истаганча мисол келтирса бўлади. Бироқ афсуски, Олот ва Қоракўл районларидаги айрим хўжаликларда ижтимоий масалаларнинг ўз вақтида ҳал этилмагани, савдо хизматидаги тартибсизликлар, тақчил молларни тарқатишда йўл қўйилаётган камчиликлар, партиявий иш самарадорлигининг пастлиги каби салбий ҳолатларга йўл қўйилаётгани бекасам тўнга ямоқдай бўляпти. ХДПнинг ушбу районлардаги кенгашлари бу камчиликларни тезда бартараф этиш чора-тадбирларини белгиладилар.

Халқ демократик партияси вилоят кенгаши сайловчилардан тушган наказ ва илтимосномаларни умумлаштириб, уларни Республика Президенти И. А. Каримовга етказди. Домхўжа — Навоий — Бухоро қувурли сув йўли қурилишини тезлаштириш, Бухородаги енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг вилоят эҳтиёжлари учун қоладиган қисмини кўпайтириш, бу корхоналарни республика валюта жамғармасига тўловлардан озод қилиш, Ф. Хўжаев номидаги Бухоро педагогика олийгоҳини дорилфунунга айлантириш ва бошқа масалалар юзасидан тушган наказларни бажариш бўйича ҳозирданоқ бир қатор амалий ишлар қилинди.

Вилоят ҳокими Д. С. Ёдгоров шаҳар ва районларнинг ҳокимларини тайинланганида ХДП кенгашларининг ижроия бюролари кўрсатган, депутатлар ва аҳоли томонидан қўллаб-қувватланган номзодларга тўхталди. Айрим ҳокимларнинг номзодлари хусусида Ўзбекистон ХДП кенгашлари ва «Эрк» демократик партияси ташкилотларининг фикри бир ердан чиққани танловнинг объективлигидан гувоҳлик беряпти. Турли сиёсий партияларнинг жумҳурият, вилоят истиқболи, одамлар турмуш фаровонлиги, фуқаролар иноқлиги йўлида ҳамкорлик қила олишлари мумкинлигини кўрсатди. Шунингдек, вилоят, шаҳар ва район ҳокимлари қилиб Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларининг сайланганлигини асосан халқ депутатлари турли даражадаги Кенгашларида мавжуд бўлган мазкур партия гуруҳларининг дастлабки муваффақияти дейиш мумкин.

Вилоят ХДП ташкилотлари касаба уюшмалари ва Ёшлар иттифоқи қўмитаси билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган тадбирлар мажмуасини биргаликда амалга оширмоқдалар. Масалан, шундай ҳамкорлик йўли билан кўҳна Бухоронинг 2500 йиллигини кенг нишонлашга, Баҳовуддин Нақшбандий туғилган кунининг 675 йиллигини маънавий ва диний қадриятлар байрамига айлантиришга, тупроғи зар юртимиз экологиясини тарихий обидаларни кўз қорачиғидек асрашга интилмоқдамиз. Ахир биргаликдаги куч-ғайрат билангина бозор иқтисодиёти қийинчиликларини бартараф этиш, чайқовчилик, жиноятчилик ва бошқа иллатларга қарши курашиш, айниқса ёш авлоднинг маънавий баркамол, билимли, тарбияли бўлишини таъминлашга эришиш мумкин.

Ҳар бир сиёсий партиянинг обрў-эътибори, боқий келажаги унга қабул сифати билан белгиланади. Шу боис ХДПга қабул масаласида сон кетидан қувиб, сифатни унутмаяпмиз. Ҳўдудий партия ташкилотлари фаолиятини бугунги кун талаблари даражасида ташкил этиш, партиядан ҳоли этилган бошқарув, ҳуқуқ-тартибот, давлат органларининг ходимлари, Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва талабалари, ижодий зиёлилар ўртасида мунтазам иш олиб бориш ҳам партия ташкилотларининг кундалик фаолиятидан муҳим ўрин эгалламоқда.

Аъзолик бадаллари ҳисобига партия аппарати ходимлари маошини таъминлаб бўлмайди. Шу боис ишбилармонлар билан ҳамкорликда партия кенгашларининг кичик корхоналарини ташкил этаяпмиз. Тижоратни ривожлантириш ҳамда шу асосда партияни маблағ билан таъминлашнинг қўшимча резервларини топишга интиляпмиз. Чунки, ҳозирги мураккаб даврда бу масала алоҳида аҳамият касб этади.

Хуллас, олдимизда турган вазифалар жуда кўп. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ташкилий даври тугаб, жўшқин амалий иш даври бошланганини ҳар бир партия аъзоси, ҳар бир партия ташкилоти чуқур англаб олиши даркор. Фақат шундагина ишимизда муваффақиятга эришамиз, ташкилотимиз сиёсий нуфузи янада юксалади.

А. ХАЛИЛОВ,
Ўзбекистон ХДП Бухоро вилояти кенгашининг иккинчи котиби.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ КУНЛАРИ

● Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши аппарати ходимлари Қарши районига ташриф буюришди. Улар вилоят партия кенгаши кунларини ўтказиш учун келишганди.

Икки кун давомида улар район колхоз ва совхозларида бўлиб бошланғич партия ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатишди. Шунингдек, партия кенгаши аппарати ходимлари ва сайлаб қўйилган аъзолар билан семинар-кенгаш, бошланғич партия ташкилотларида ишчилар, ёшлар иттифоқи вакиллари, меҳнат фахрийлари, оқсоқоллар билан учрашувлар ўтказилди. -ужиггл

Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида район раҳбарлари билан ўтказилган давра суҳбати, ХДП Дастури ва Низоми хусусидаги лекциялар қатнашчиларда қатта таассурот қолдирди.

— Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши IV пленуми қарорларини амалга оширишга ёрдам бериш мақсадида уюштирилган вилоят кенгаши кунлари навбати билан барча шаҳар ва район партия ташкилотларида ўтказилади, — дейди ХДП вилоят кенгаши котиби Р. Г. Ражабов. — Бу қизиқарли тадбирда партия кенгаши ижроия бюроси аъзолари, бўлим мудирлари, партия фаоллари иштирок этадилар.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚИШ ҲАРАКАТИНИ ЁЗДА ҚИЛГАН ЮТАДИ

Қорақалпоғистондаги Тўрткўл тумани корхонава ташкилотлари ёзнинг ғанимат кунларидан унумли фойдаланиб, аҳоли дастурхони тўкин бўлиши чораларини кўрмоқдалар

● Янги мавсум арафасидаги фидойи ҳатти-ҳаракатлар
● Шартнома интизомидан умидворлик
● Яхши натижа маҳоратга ҳам боғлиқ
● Олинган фойда — ижтимоий ҳимоя кафолати

ҲАДЕМАЙ ёз ҳам ўтади-кетади. Ёзда етиштирилган деҳқончилик неъматларидан фойдаланиб, қишда аҳоли дастурхонига барака киритиш мумкин. Ҳозирги тақчиллик барҳам топишига кафолат бериш учун ёз ойларининг ҳар дақиқасида тадбиркорлик зарур. Тўрткўл тумани корхона, хўжалик ва тайёрлов идоралари шунинг ҳаракатини қилишмоқда.

Тўрткўл — Қорақалпоғистон Республикасидаги халқ хўжалиги сертармоқ туманлардан бири. Туман ҳудудидаги майдонларда пахтачилик, чорвачилик билан бир қаторда сабзавот, қовун-тарвуз, мева ҳам кўп етиштирилади. Аввалги йилларда давлат ва жамоа хўжаликларида етиштирилган сабзавотлар 200 километр масофага— Нукус шаҳридаги сабзавот консервалари комбинатига ташиларди. Шунча масофадан келтирилган маҳсулотларнинг сифатига жиддий путур етарди. Бунинг устига транспорт харажатлари, маҳсулот ўтказувчи (экспедитор) ходимларнинг иш вақти бекор кетиши, навбат кутиб икки-уч кунлаб қолиб кетиш ҳоллари қимматга тушишини айтмайсизми?!

Ана шу қийинчиликларни ҳисобга олган туман Кенгаши ва район деҳқончилик-саноат уюшмаси раҳбарлари сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаб кичик корхоналар қурилишига алоҳида эътибор бера бошладилар.

Хўш, аслида қандай амалий ишлар қилинмоқда? Биз бир неча кичик корхоналар раҳбарлари билан учрашиб, бу жамоаларнинг шу кеча-кундузда олиб бораётган юмушлари ҳақида суҳбатлашдик.

Оқназар Муллабоев, туман тайёрлов-савдо ширкати директори: — Бизнинг корхонамизда йилига 1 миллион банка сабзавот консерваси ишлаб чиқарадиган цех 1989 йилдан бери ишлаб турибди. Ҳар йили 820—950 минг банка сабзавот консерваси ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада 18 турдаги сабзавот консервалари тайёрланмоқда. Бу йилги режаламиз ҳам катта. 1 миллион банка сабзавот консерваси ишлаб чиқарамиз. Цехимиз янги ҳосилни қабул қилиб олишга тахт қилиб қўйилди.

Хом ашё тайёрлашга ҳозирдан бошлаб киришдик. Аҳолининг ортиқча сабзавотларидан камида 700 тонна сотиб олишни режалаштирганмиз. Давлат ва жамоа хўжаликларидан шартнома асосида 1800 тонна сабзавот, қовун-тарвуз сотиб оламиз ва қайта ишлаймиз.

Биз ўтган йили шу цехнинг ўзидан 90 минг сўм соф фойда олдик. Бу йил эса кўпроқ соф фойда олиш ниятидамиз. 500 тонна сабзавот омбори қурилишини бошлаб юбордик.

Неъмат Ҳасанов, туманлараро моддий-техника таъминоти корхонаси директори: — Кичик корхоналарнинг вужудга келиши маҳсулотларни қайта ишлашни кенгайтириш, тезлаштириш билан бирга, одамларни иш билан таъминлаш масаласини ҳал этишга ҳам ёрдам бермоқда. Лекин кичик корхонамизнинг тўла қувват билан ишлашига эришолмаяпмиз. Бунга, биринчидан, хом ашёнинг етишмаслиги сабаб бўлса, иккинчидан, корхонада фаолият кўрсатаётган кишиларнинг илғор иш усулларини тўла ўзлаштириб ололмаётганлиги, маҳорат етишмаслиги ҳам сабаб бўлмоқда. Бунинг устига ярим гектар майдонга экилган сабзавотлардан кўнгилдагидек ҳосил етиштирилмади. Шу тариқа ўтган йили бор-йўғи 305 минг банка сабзавот консерваси ишлаб чиқарилди, холос. Олинган соф фойда 31 минг сўмни ташкил этди.

Хатолар, йўл қўйилган камчиликлардан сабоқ чиқариб оляпмиз. Бу йил камида 1 миллион банка сабзавот консерваси ишлаб чиқарилади. Шу мақсадда кичик корхона ремонтини тезлаштириб, унинг тўла қувват билан ишлашини таъминлаш учун барча имкониятлардан кенг фойдаланмоқдамиз. Ўзимизга қарашли майдонга экилган сабзавотлардан мўл ҳосил етиштирамиз. Ҳозир шунга кафолат бор. Давлат ва жамоа хўжаликларидан сабзавот, қовун-тарвуз қабул қилиб олиш учун шартномалар тузганмиз. Ишлаб чиқарган маҳсулотларимизни савдо ташкилотларига топширамиз. Биз ёз-куз ойларида шу тартибда ишлаш ҳақида келишиб олдик.

Рўзимбой Собиров, сабзавот консервалари заводи директори: — Заводимиз янги. Қурилишни хўжалик усулида олиб боряпмиз. Завод қурилиши лойиҳа сметаси 17 миллион сўм. Бу йил камида 7 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарамиз. Келгуси йил охирида уни тўла ишга туширамиз.

Янги корхона аҳолини консерва маҳсулотлари билан таъминлашни анча яхшилади. Дастлабки йили 3 миллион банка сабзавот консерваси ишлаб чиқарилади. Кейинчалик унинг қуввати йилига 5 миллион банка консерва ишлаб чиқаришга етказилади. Шу билан бирга, 1 минг тонна сабзавот сақланадиган омбор ҳам ишга туширилади.

Ислом Каримов, туман деҳқончилик-саноат уюшмаси раиси: — Яқин келажакда районимизда кичик корхоналар ёрдамида сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш яна ҳам кенгаяди. Келаси йилдан бошлаб районимиздаги кичик корхоналарда камида 7—8 миллион банка сабзавот консервалари ишлаб чиқариладиган бўлади. Ана шу маҳсулотларнинг бир қисмини касалхоналарга, болалар боғча-яслиларига берсак, қолган қисмини савдога чиқарамиз. Шунинг ўзидан кичик корхоналар, давлат ҳамда жамоа хўжаликлари кўп фойда кўрадилар.

* * *

Туман хўжаликларида бу йил 3340 тонна сабзавот, 3500 тонна қовун-тарвуз тайёрланади. Келажакда эса яна ҳам кўпроқ сабзавот, қовун-тарвуз етиштириб, катта фойда олиш режалаштирилмоқда. Шу тариқа кичик корхоналарда меҳнат қилаётганларнинг, давлат ва жамоа хўжаликлари аъзоларининг ижтимоий турмуш шароитларини яхшилаб бориш мумкин. Шу йўл билан бозор иқтисодиёти шароитидаги қийинчиликларни бартараф этишнинг янги имкониятлари ҳам очиларишига умид уйғонмоқда.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• МУСТАҚИЛЛИК ИШЧАНЛИКНИ ЁҚТИРАДИ

МИНГБУЛОҚ МУАММОЛАРИ

● Мингбулоқ конида ишлар қандай боряпти? У ердаги аҳвол билан танишиш учун Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Наманган гандаги мухбири Н. ХЎЖАЕВА нефть конига борди.

● Андижон чуқур қидирув бурғулаш экспедицияси инженерлик-технология ташкилоти бошлиғининг ўринбосари **У. Раҳимов** вазиятни тасвирлаб берди:

— Қудуқдан нефть чиқиши тўхтагани йўқ, анча камайди, холос. Бунинг асосий сабаби нефть фавворасини жиловлаш чоғида қудуқ деворининг нураши ва қудуқнинг тўсилиб қолишидир. Энди нефтнинг тўла оқиб чиқишини таъминлаш учун қудуқни ремонт қилиш, бунинг учун унинг устига янги бурғу ўрнатиш зарур. Бу иш бошлаб юборилди, уни қисқа муддатда—июлнинг бошларида тугаллаш керак. Нефть заҳираларини тўла аниқлаш, кон қаергача боришини белгилаш учун яна беш-олтита қудуқ қазиш режалаштирилган. Мутахассислар қудуқ қазиладиган жойларни аниқлашди.

Ҳозир Мингбулоқ кони зонасида жуда кўп техника тўпланган, чунки 12 гектар ерни тозалаш давом этмоқда. Бу иш билан «Наманганводстрой» трестининг 3-механизациялашган кўчма колоннаси ва «Ирстрой» трестининг Намангандаги механизациялашган кўчма колоннаси механизаторлари шуғулланмоқдалар.

● Одамлар фидойилик билан, кўплари — март ойининг бошидан буён меҳнат қилишяпти. Бундай шароитда турмуш қийинчиликларига улар кўникиб қолишган. Аммо бундай қийинчиликларни сунъий равишда вужудга келтирилаётганлиги ачинарлидир. Бу ҳақда «ЗИЛ» шофёри **М. Носиров** сўзлаб берди:

— Мингбулоқ ҳамманинг диққат марказида турган пайтда вилоят «Коопстепторг» бирлашмасининг раҳбарлари ишчиларга савдо хизматини ташкил этишга эътибор беришди. Лекин май ойининг дастлабки кунларидаёқ савдо ходимлари бизни унутиб қўйишди. Илгари зарур молларни мунтазам келтириб турган кўчма дўкон шундан буён бу ерга келмай қўйди. Ичимлик сув билан таъминлашда айниқса катта қийинчилик пайдо бўлди. Бунинг устига сут маҳсулотлари деярли келтирилмаяпти. Бу муаммолар ҳеч кимни ташвишга солмаётганга ўхшайди...

ОЛАМДА НИМА ГАП?

ИШБИЛАРМОНЛАР ФИКРИ

● Туркия ишбилармонлари Ўрта Осиёдаги туркийзабон республикаларида бўлишди. Сафар етти кун давом этди.

Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистон бўйлаб сафарда 50 дан зиёд турк фирмаларининг вакиллари қатнашдилар. Музокаралар мавзуи ранг-баранг бўлди. Мустақил давлатлар пайтахтларида қурилиш, энергетика, тўқимачилик, озиқ-овқт, табобат саноати банк иши ва телеалоқалар соҳасида ҳамкорлик ҳақида мулоқотлар олиб борилди.

Мулоқотлар натижаси ҳақида ижобий фикрлар билдирилди. Туркия-Америка ишбилармонлари уюшмаси раиси Эрдал Кабатепе Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг истиқболи умидлидир, деди. Бу мамлакатлар ўтиш даврини бошидан кечираяпти. Ҳозирги шароитда Туркия шу мамлакатлар бозорида салмоқли ўринни олиши учун ўз кучини сарфлаши керак, деб таъкидлади у.

АЙТМАТОВГА МУКОФОТ

● Туркия Республикаси давлат мукофотини Чингиз Айтматовга бериш ҳақида фармон чиқди.

Қирғиз адибининг ижодий муваффақияти тилга олиниб, мукофот унга «умумтурк маданиятини ривожлантиришдаги хизматлари учун» берилаётганлиги таъкидланади.

УММОНГА ТАШРИФ

● Қозоғистон Бош вазири С. Терешченко бошчилигидаги делегация Уммон Султонлигига жўнаб кетди.

Ташриф икки кун давом этади. Бу ерда Султон Қобус бин Саид ҳамда савдо-саноат доиралари вакиллари билан музокаралар бўлади. Ғарбий Қозоғистонда нефтни қидириб топиш ва қазиб чиқариш, уни ташиш соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама этилади.

УМИДЛАР КАТТА

● Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин АҚШга биринчи расмий ташрифини кеча бошлади.

Томонлар олий даражадаги ўтказиладиган учрашув чоғида ядро қуролларини яна кўп миқдорда қисқартириш ҳақида музокаралар олиб боришади. Бу масалада аҳдлашувга эришилиши кутиляпти. Шубҳасиз, бу учрашув дунёдаги вазиятни барқарорлаштириш учун яхши имконият яратади.

ОНА ЗАМИНГА МЕҲР

● Рио-де-Жанейро шаҳрда БМТнинг атроф-муҳитга ва тараққиётга бағишланган анжумани ўз ишини якунлади.

Анжуманда 100 дан зиёд давлат ва ҳукумат бошлиқлари қатнашдилар. «XXI аср учун кун тартиби» номли ҳаракат режаси белгилаб олинди. Ўрмонларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги битим учрашувнинг асосий якунловчи ҳужжати бўлди.

МУНОСАБАТЛАРНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛИДА

● Американинг расмий делегацияси Қобулга келди. Делегация бу ерда мужоҳидлар билан АҚШ ва Афғонистон ўртасида дипломатия муносабатларини тиклаш ҳақидаги масалани муҳокама қилади.

Америка томонининг раҳбари Петер Томсен Қобулда АҚШ элчихонаси фаолиятини албатта тиклаймиз, бунинг учун фақатгина хавфсизлик масаласини ҳал этишимиз керак, деди. У бу ерда мужоҳидлар ўтиш кенгашининг ташқи ишлар вазири Саид Сулаймон Гейлани ҳамда шу кенгаш бошлиғи Сеғбатулло Мужаддеди билан учрашди.

КУБА АҲДИ

● Куба Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши 1990 йилнинг августида Ироққа нисбатан жорий этган халқаро иқтисодий қамални бузиб Боғдоддан нефть сотиб олмоқчи.

Бу ҳақда савдо битимига эришилди. Уни Куба раҳбари Фидель Кастро билан Ироқ бош вазири ўринбосари Тариқ Азиз имзолашди. Улар БМТнинг Рио-де-Жанейрода ўтказилган атроф-муҳит ва тараққиёт конференциясида иштирок этишган эди.

ЕРОСТИ ЙЎЛИ

● Америка ва Россия мутахассислари ҳамкорликда ишга киришдилар. Бўлажак лойиҳа тайёрланяпти.

Аляска билан Сибирь ўртасида Беринг бўғози остида темир йўл туннели қурилади. Сув остида ўтадиган шу йўлнинг узунлиги таҳминан 100 километр бўлади.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларнинг хабарлари асосида тайёрланди).

• Тилга эътибор—элга эътибор

БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК

Ўзбек тилининг бугунги аҳволи, унинг истиқболи масаласи жумҳуриятимизнинг ҳар бир фуқаросини бефарқ қолдирмайди. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси қошида тил комиссиясининг, терминология қўмитасининг тузилганлиги, улар фаолияти устидан қаттиқ назорат ўрнатилганлиги, турли касб эгалари ва кенг жамоатчиликнинг тил муаммоларига фаол аралашаётганлиги фикримизнинг гувоҳи.

Лекин бу борадаги мақола ва кўрсатувларнинг ҳаммасининг ҳам савияси бир хил, деб бўлмайди. Уларнинг айримларида илмий мушоҳададан кўра, кўпроқ эҳтиросга берилиш ҳолатлари кўзга ташланади.

Эълон қилинаётган мақолаларда эътибор кўпроқ совет даврида ўзбек тилига рус тилидан ўзлашган ва рус тили орқали қабул қилинган, Оврупа тиллари сўзларига муносабат, миллий терминологияни изга солиш, ёзув ва имло масалаларига қаратилади.

Дарҳақиқат, совет даврида ўзбек тилига рус тилидан ва рус тили орқали бошқа тиллардан бир қатор сўзлар кириб келди. Уларнинг ўзбек тилида муқобили бор ёки йўқлиги ҳақида ўйлаб ҳам ўтирилмади. Ҳатто муқобили бўлган тақдирда ҳам рус тилидан олинган сўзларга имтиёз берилди. Уларни қўлланиш ижобий баҳоланди. Натижада ҳеч қандай эҳтиёжи бўлмаган сўзлар ҳам кириб кела бошлади. Бундай жараён ҳар қандай миллат парвар фуқаронинг ғашига тегиши табиий, албатта. Шунинг учун ҳам олинма сўзларни ўзбек тилининг ўз ички имкониятлари асосида муқобили билан алмаштириш ҳаракатини фақат олқишлаш керак. Шу билан бирга халққа аллақачон сингиб кетган олинма сўзларни бошқа тил имконияти асосида сиқиб чиқаришга уриниш ҳам бўлмоқда. Буни маъқуллаб бўлмайди. Масалан, самолёт — тайёра, аэродром — тайёрагоҳ, студент — илмжў, журнал — мажалла...

Айрим ҳолларда ўзбекчалаштириш жараёни ўзбек тилининг қонун-қоидаларига амал қилмаган ҳолда олиб бориляпти. Хусусан, — чи қўшимчасининг касб, машғулот билдириши ҳаммага аён: темирчи — «темир билан машғул бўлувчи», пичоқчи — «пичоқ ясовчи», қўрқчи — «қўрқлаш билан шуғулланувчи» ва бошқалар. Энди «Касансаец», «Шахриханец», «Нариманец», «Багдадец», сингари футбол жамоаларининг эски номи «Косонсойчи», «Шаҳрихончи», «Наримончи», «Боғдодчи» тарзида ўзбеклаштирилиши ҳар бир ўзбекнинг энсасини қотиради.

Олинма сўзларни шу тилнинг товуш қонуниятига мослаштириш уларнинг сингиб кетишига қулай йўлдир. Масалан, **суғурта** сўзининг французча **сукурте** сўзидан эканлигини бугун ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмайди. Лекин бунда ҳам тил тизимига амал қилиш лозим бўлади. Чунки тиллари ҳар бир унсур маълум тизимнинг аъзосидир. Бунга амал қилмаслик тилнинг объектив ривожланиш қонуниятига зўғум ўтказиш бўлади.

Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг профессори М. Мирабдулла ўғлининг ўзбек миллий терминологиясини, хусусан, география терминларини изга солиш соҳасида жон куярлик қилаётганидан мамнунмиз. Лекин у ҳам эҳтиросга берилган ҳолда баъзан эътирозли тавсиялар билдиради. «Ўша йиллари (30-йиллари — А. Н.) ҳокисор ва сертавозеъ ўзбек халқи «муаллим» сўзини ишлатишдай қўрқиб («миллатчи» бўлиб қолишдан) ҳайиқиб, унинг ўрнига «учитель» деган сўзни «ўқитувчи» деб таржима қилиб муомалага киритди. Буни қарангки, озарбойжон, туркман, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз ва тожик халқлари ҳамон «муаллим»ни ишлатиб келадилар. Муаллим — таълим берувчи, тарбия берувчи, устоз деган маъноларни билдиради. Она тилимиз — ўзбек тилида муқобил атамалар бўла туриб, ажнабий атамаларни ишлатиш адолатдан эмас».

Аввало, **ўқитувчи** сўзининг ажнабий эмаслиги, ўқувчи, қурувчи, тўқувчи сўзлари тизимида турувчи бир сўз эканлиги ҳаммага аён.

Иккинчидан, **ўқитувчи, ўқувчи** сўзларининг ҳаётга тақдим этилиши «муаллим» сўзини қўлланишдан қўрқанидан ҳам эмас, рус тилидаги «учитель» сўзини таржима қилиш асосида ҳам эмас, балки миллий уйғониш давридаги арабча сўзлар ўрнига ўзбекча муқобилини белгилаш ҳаракати асосида вужудга келган. Элбек тавсия этган юзлаб сўздан **ўқитувчи ўқувчи** каби бир қатор сўзлар мустаҳкам ўрнашиб қолди.

Ҳурматли профессор 1935 йилгача «жуғрофиё» деб номлаб келганимиз ҳолда, 1937 йилдан «география»га алмаштирганимиздан афсусланади ва жуғрофига қайтишни тавсия этади. Тўғри, бу фан бир неча минг йиллар давомида ота-боболаримиз грек тилидаги географияни жуғрофиё ҳолида араб тили товуш қонуниятига мувофиқлаштирилган нусҳасини араб тили орқали қабул қилиб ишлатиб келди. Бугунги кунда **гео** морфемаси билан бошланувчи фақат фаннинг ўзи бўлганда эди, профессор фикрини тўла маъқуллаган бўлар эдик. Бу билан қариндош бўлган шу тизимдаги **геология, геометрия, геодезия** сингари рус тили орқали кириб келган фан номлари ҳам бор. Буларни бир хил, **географияни** бошқа хил қабул қиламизми?! Ёки кейинги терминларни ҳам бир тизимга солиб **жулогия, жуметрия, жудезия** тарзида ўзлаштирамизми?! Бундай масалалар терминология қўмитасини лоқайд қолдирмаслиги керак.

Аввало, қўмита номи терминология эмас, атамашунослик қўмитаси номи билан юритилганлиги учун унинг бош мақсади ҳиралашмоқда. Чунки атамашунослик ономастиканинг муқобилидир. Ономастика кенг тушунча бўлиб, терминология шу ономастиканинг фақат бир тармоғи ўрнатиш зарур. Бу иш бошлаб юборилди, уни қисқа муддатда тугаллаш керак. Нефть заҳираларини тўла аниқлаш, кон қаергача боришини белгилаш учун яна беш-олтита қудуқ қазиш режалаштирилган. Мутахассислар қудуқ қазиладиган жойларни аниқлашди.

Ҳозир Мингбулоқ кони зонасида жуда кўп техника тўпланган, чунки 12 гектар ерни тозалаш давом этмоқда. Бу иш билан «Наманганводстрой» трестининг 3-механизациялашган кўчма колоннаси ва «Ирстрой» трестининг Намангандаги механизациялашган кўчма колоннаси механизаторлари шуғулланмоқдалар.

● Одамлар фидойилик билан, кўплари — март ойининг бошидан буён меҳнат қилишяпти. Бундай шароитда турмуш қийинчиликларига улар кўникиб қолишган. Аммо бундай қийинчиликларни сунъий равишда вужудга келтирилаётганлиги ачинарлидир. Бу ҳақда «ЗИЛ» шофёри **М. Носиров** сўзлаб берди:

— Мингбулоқ ҳамманинг диққат марказида турган пайтда вилоят «Коопстепторг» бирлашмасининг раҳбарлари ишчиларга савдо хизматини ташкил этишга эътибор беришди. Лекин май ойининг дастлабки кунларидаёқ савдо ходимлари бизни унутиб қўйишди. Илгари зарур молларни мунтазам келтириб турган кўчма дўкон шундан буён бу ерга келмай қўйди. Ичимлик сув билан таъминлашда айниқса катта қийинчилик пайдо бўлди. Бунинг устига сут маҳсулотлари деярли келтирилмаяпти. Бу муаммолар ҳеч кимни ташвишга солмаётганга ўхшайди...

Терминология қўмитаси бугунги куннинг энг долзарб муаммоси бўлган миллий терминологияни яратиш ва изга солиш билан шуғулланиши керак бўлади. Шунинг учун ҳам қўмита қошида турли фан соҳаларининг йирик мутахассисларини ўз ичига олган бир неча бўлимлар тузилганлиги қувончли ҳол. Лекин ҳар қайси фан соҳаси бўйича терминлар тизимини яратиш учун, албатта, тилшуносларнинг аралашуви зарурга ўхшайди. Шундай бўлганда эди ботаника терминлари тизимидан **бересклетдошлар, сальвивиядошлар** сингари ғайриилмий терминлар ўрин олмаган бўларди. Чунки — **дош** қўшимчаси қўшилиши мумкин бўлган **бересклет, сальвивия** каби сўзларнинг ўзбек тилида йўқлиги барчага аён.

Саводхонлик—юксак маданият белгиси. Саводхонлик ни таъминлаш учун эса имло қоидаларини такомиллаштириш, ёзувимизнинг чигал масалаларини ҳал қилиш лозим бўлади.

Алифбо масаласини ҳал қилмай туриб, имло муаммоларини ҳал қилиш мумкин эмас. Дарҳақиқат, ҳозирги алифбомиз руслаштириш сиёсатининг инъикоси бўлиб, ўзбек тилининг товуш хусусиятларини акс эттира олмайди. Ҳар қайси тилнинг фонемалар составини тўла акс эттира оладиган, ҳар бир фонеманинг алоҳида шакли бўлган, фонемалар билан ҳарфлар миқдори тенг бўлган ёзув анча мукаммал ёзув саналади. Бироқ ҳозирги ёзувимизда ўзбек тили учун мутлақо ортиқча, фақат рус алифбосининг тазйиқи остида кириб келган юмшатиш белгиси, **е, ё, я, ю, ц** ҳарфлари бор. Бир фонеманинг икки ҳарф билан (нг) ифодаланиши ҳам амалиётда турли чалкашликларга олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам алифбомиз масаласида турли фикрлар билдирилмоқда: бирида мавжуд алифбони сақлаб қолган ҳолда такомиллаштириш, иккинчисида эса ҳозирги алифбони алмаштириш масалалари кўтарилмоқда. Алмаштириш тарафдорлари ҳам икки гуруҳга бўлинмоқда: 1) араб алифбосига ўтиш, 2) лотин алифбосига ўтиш. Ҳар икки гуруҳнинг ҳам ўз фикрларини далилловчи етарли асослари бор.

Ёзув — умумхалқ мулки. Шунинг учун ҳам бу масалани ҳал қилишда айрим шахсларнинг хоҳиш-иродаси камлик қилади. Фикримизча, референдум орқали умумхалқ фикрини ҳисобга олиш лозим. Бунинг учун матбуот, радио ва ойнаи жаҳон орқали алифбо билан боғлиқ турли масалалар юзасидан халқ ўртасида барча йўналишдаги кишилар иштирокида кенг тарғибот ишларини олиб бориш керак. Токи, ҳар бир фуқаро ёзувнинг моҳияти, у ёки бу алифбонинг ютуғини англаб етсин. — Референдумда онгли равишда у ёки бунисига овоз берсин. Шундагина бу жиддий масала демократик йўл билан ҳал қилинган бўлади.

Абдуҳамид НУРМОНОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

• ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ, МАЛАЙЗИЯ ВА ИНДОНЕЗИЯГА ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

● Жанубий Кореядаги жаҳонга машҳур «Самсунг» фирмаси яқинда Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида ўз молларини кўз-кўз қилди. Бу воқеа мазкур мамлакат иқтисодий имкониятларининг кичик бир қисминигина намойиш этди. Мустақил Ўзбекистон иқтисодиётини тиклаш, уни маърифий муомала шаклларига ва соғлом ақл-идрок қоидаларига қайтариш шароитида Корея Республикаси фирмалари, корхоналари ва тижорат ташкилотлари ишончли ҳамкор бўлиб қолиши мумкин. Кўргазмани республика Президенти И. Каримовнинг ўзлари бориб кўрганликлари Жанубий Корея билан ўзаро алоқа республика учун, уни қийин иқтисодий вазиятдан қутқариб, тараққиёт йўлига солиб юбориш учун катта аҳамиятга эга эканидан дарак беради.

Бундай бўлиши тасодифий эмас. Япония дунёга иқтисодий мўъжиза намунасини кўрсатганидан кейин, саксонинчи йилларнинг бошларидан эътиборан Ер юзида унинг қўшниси — Корея Республикасининг мўъжизаси ҳақида гапира бошладилар. Бу мамлакатни ҳатто Осиё — Тинч океани минтақасидаги янги маърифатнинг бешиги деб атамоқдалар. Етакчи мутахассисларнинг фикрича, жаҳон тараққиётининг маркази айни шу минтақага кўчмоқда.

Шу мамлакатлар орасида, аввало; Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур тилга олинмоқда. Иқтисодий юксалиш сўръатлари жиҳатидан улар ҳозир Ғарб мамлакатларидан анча илдамроқ бормоқда. Бу ерда ялпи миллий маҳсулот, меҳнат унумдорлиги, аҳолининг турмуш даражаси Европа ва Америкага нисбатан тезроқ ўсмоқда.

Собиқ Иттифоқ ҳудудида

КОРЕЯНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

Бу мамлакат Корея ярим оролида, 38-параллелдан жанубда жойлашган. Унинг ҳудуди — 99,6 минг квадрат километрдан иборат, аҳолиси 1992 йилнинг бошларида салкам 43 миллион киши эди. Республикада 1948 йилда Корея ярим ороли иккига бўлиниши натижасида мустақил давлат сифатида юзага келди, Давлат тузилиши — парламент тоифасидаги республика. Давлат бошлиғи — тўғри ялпи сайлов йўли билан сайланадиган Президент. Парламент (миллат мажлиси) 299 аъзодан иборат. Улардан 224 киши сайланади, 75 аъзо мутаносиб вакиллик қоидасига мувофиқ натижаларига қараб сиёсий партиялардан тайинланади.

Жанубий Корея — юксак даражада тараққий этган саноат давлати. 80-йилларнинг ўрталарида республика кемасозлик соҳасида дунёда етакчи мавқега чиқиб олди, юзага келган бошқа мустақил давлатлар қаторида Ўзбекистон ҳам ажабтовур мамлакат билан эндигина таниша бошлади. Собиқ СССР дипломатияси уни мутлақо писанд қилмаган эди. Энди эса Жанубий Корея яқин йиллар ичида иқтисодиёт, фан ва техника, маориф, маданият соҳаларида бизнинг муҳим ҳамкоримиз бўлиб қолади, деб дадил айтса бўлади. Шу сабабли бу мамлакат ҳақида баъзи маълумотларни келтириш ўринлидир.

автомобилсозлик, радиоэлектроника саноати тез сўръатлар билан ривож топмоқда. Нефтни қайта ишлаш, химия саноати, шунингдек, ундирма саноат юксак даражага кўтарилди — мамлакатда темир ва қўрғошин, рух рудалари, кўмир қазиб олинмоқда. Жанубий Корея енгил саноатининг моллари бутун дунёга машҳур.

Бу мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги тузилишини Ўзбекистон деҳқончилиги билан қиёс қилса бўлади. Бугун мамлакат ҳудудининг салкам чорак қисмида деҳқончилик қилинади, пахта, дон (шоли, буғдой, арпа), сабзавот ва мева, тамаки, мойли экинлар етиштирилади. Корея Республикаси денгиз давлати ҳисобланади. Бу ерда учта йирик халқаро порт — Пусан, Ульсан, Инчхон портлари ишлаб турибди.

Япония мўъжизаси каби Жанубий Корея мўъжизасининг таркибий қисмлари ҳақида гап кетганда ҳарбий харажатлар озлиги, хорижий фан-техника тажрибасидан самарали фойдаланилиши, саноатдаги машина-ускуналар тез алмаштирилиши, ишлаб чиқариш яхши ташкил этилгани, мутахассислар тайёрлаш даражаси юқорилиги алоҳида таъкидланади.

● Республикамизда яшайдиган қишиларнинг кўпчилиги «Индонезия» сўзини эшитганда китоблардан таниш бўлган Ява, Суматра, Калимантан каби жуғрофий номларни эслайдилар... Узоқ Тинч океанидаги ана шу ғаройиб ороллар яшовчи одамларнинг ҳаётини ҳозирча биз яққол тасаввур қила олмаймиз. Лекин XX аср масофаларни қисқартириб, узоқ мамлакатлар билан танишишни амалий ўзанга буриб юбормоқда.

Индонезия билан ҳам шундай бўлди: мустақил Ўзбекистон ташқи бозорга фаоллик билан чиқаётган ҳозирги пайтда Жанубий-Шарқий Осиёдаги бу мамлакатни биз катта имкониятларга эга бўлган иқтисодий ҳамкор деб тасаввур қиламиз.

Ҳозирча Индонезия билан ҳамкорлик дастлабки қадамларни қўймоқда. Магазинларимизнинг пештахталарида шу мамлакатдан келтирилган чой пайдо бўлди. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига қарашли «Интер алоқа» ташқи иқтисодий бирлашмаси Индонезиядаги машҳур «Прима комексиндо» фирмаси билан чой етказиб бериш тўғрисида битим тузди. Москвадан ҳинд чойи етказиб бериш тўхтаб қолгандан сўнг Самарқанд чой қадоқлаш фабрикасида қийин аҳвол юз берган, шу маҳсулот ғоят тақчил бўлиб қолган эди. Тинч океандаги ороллардан келтирилган чой ана шу тақчилликни камайтиришга имкон бермоқда. Индонезиядан катта туркумда сифатли гуруч ҳарид қилиш имкониятлари ўрганилмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, Индонезия шоли етиштиришда жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Бундан ташқари, Индонезияда каучукли дарахтлар, кофе, какао, тамаки, шакарқамиш, зираворлар, бошқа экинлар етиштирилади.

ҒАРОЙИБ ВА ОМИЛКОР МАМЛАКАТ

Индонезия асосан, қишлоқ хўжалик мамлакати, лекин унинг иқтисодий имкониятлари аграр соҳа билан чекланиб қолмаган. Бу ерда кон-қазилма саноати юксак даражада ривожланган. Ер остидан нефть ва табиий газ, кўмир, боксидлар, фосфоридлар, қалайи. мис, никель рудалари қазиб чиқарилади. Шу негизда қудратли нефтни қайта ишлаш саноати, рангли металлургия, машинасозлик, химия саноати ва индустриянинг бошқа тармоқлари барпо этилган. Тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати ҳам ривожланган.

Малайя архипелагидаги катта ороллар, Тинч океанидаги кемалар қатнайдиган йўлда жойлашган Индонезия дунёда энг катта савдо ва балиқ овлаш флотига эга, унинг ҳудудида Сурабайя, Танжунгприок, Палембанг, Баликпапан каби йирик халқаро портлар жойлашган.

1904,5 минг квадрат километр ҳудудни эгаллаган Индонезияда 180 миллионга яқин одам (1991 йил бошларидаги ҳисобга кўра) яшайди. Булар индонезлар, хитойлар, араблардир. Мамлакатдаги асосий дин — ислом дини бўлиб, динга ишонувчиларнинг деярли 90 фоизи мусулмонлардир.

Бу мамлакат илгари Нидерландиянинг мустамлакаси эди, иккинчи жаҳон урушидан сўнг, 1945 йил 17 августда индонезияликлар ўз давлатларини мустақил деб эълон қилдилар.

Индонезия — республикадир. Миллий маслаҳат конгресси давлат ҳокимиятининг олий идораси ҳисобланади. Конгресс президентни беш йил муддатга сайлайди. Бир палатали халқ вакиллари кенгаши қонун чиқарувчи орган ҳисобланади.

● Тинч океанидаги 70-йилларнинг охири ва 80-йилларнинг бошларида жаҳон иқтисодий тараққиёти илғорлари қаторига шиддат билан чиқиб олган мамлакатлар орасида Малайзия алоҳида ўринда туради. Жанубий Корея, Сингапур, Тайван каби Малайзия ҳам бу ерда юз берган «мўъжиза» ҳақида гапиришга мажбур этди.

80-йилларда меҳнат унумдорлиги ва ялпи миллий маҳсулотнинг тез ўсиши, яқин вақтларгача Ғарбий Европа мамлакатлари, АҚШ ва Япония эришган энг замонавий технологиялар соҳасига чиқиб олиш Осиё — Тинч океани минтақасига бутун жаҳондаги сиёсатчилар, иқтисодчилар ва ишбилармонларнинг эътиборини жалб қилди.

Халқаро майдонда ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш учун шериклар изларига жуда юқори баҳо бермоқдалар.

МАЛАЙЗИЯ МЎЪЖИЗАСИ

Ҳозирги пайтда Малайзиянинг иқтисодий қиёфасини юксак даражада ривожлантириш имкониятларини ва қалайининг 40 фоизини Малайзия ишлаб чиқаради.

Малайзия федератив давлат бўлиб, унинг таркибида 13 та штат бор. Мамлакатда монархия тузуми сақланиб қолмоқда, бироқ подшонинг — штатлар бошлиқларининг кенгаши томонидан сайланадиган мамлакат олий бошлиғининг ҳокимияти Конституция билан чеклаб қўйилган. Подшо, олий бошлиқ беш йил муддатга сайланади, иккинчи муддатга сайланишга йўл қўйилмайди. Икки палата — сенат ва вакиллар палатасидан иборат парламент қонун чиқарувчи органдир. Ижроия ҳокимият Бош вазир бошчилик қиладиган Вазирлар Маҳкамаси қўлида мужассамлашган.

Малайзияда ислом давлат динидир.

МАҚОЛАЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ТАЙЁРЛАГАН.

• *Эсимизда ўша дамлар*

1.

АКАДЕМИК шоир Ғафур Ғуломни халқ беҳад ҳурмат қилар, унинг ҳазил-мутойибаларини, ширин сўзларини эшитишни орзиқиб кутарди. У кириб борган ҳар бир даврада шодон қаҳқаҳа янграр эди. Дарҳақиқат, шоир ўзи айтганидек, «Ғафур деган бир Насриддин» халқнинг ота ўғли эди.

Ҳар бир учрашув янги дўстликнинг дебочаси бўларди:

...Тошкентда таҳсил олаётган нуроталик уч дўст кунларнинг бирида шоир суҳбатидан баҳраманд бўлишади. Улар Бешёғочда, анҳор ёқасидаги ошхонада тамадди қилиб, турганларида шоир кириб келади. Дўкончи билан иккиуч дақиқалик суҳбатдан сўнг, энди изига қайтаётган Ғафур Ғулом иттифоқо:

— Йигитлар, қаерликсизлар? — деб улар билан кулимсираб сўрашади. — Тошкентда ўқияпсизларми?

Йигитлар шоирга эҳтиром билан жавоб берадилар, уни ҳаяжон ичида даврага таклиф қиладилар.

— Хўш, илмимизнинг бўлажак чароғбонлари. Қани, Нурота тарихини эшитайлик, — дейди у. — Йўқ, уялманглар. Э, одамзод қайси бешикда катта бўлганлигини билиши шарт. Туғилган жой деганда, қоринлари сўзга тўлган шоир-бахши боболарингдай чечан бўлмайсизларми? Ўзи асли Нуратоми ё Нуротами? Тарихнавис Наршахий Нур ҳам деганлар. У Искандар Зулқарнайн давридаёқ маълум эди.

— Ҳа, Зулқарнайн қаздирган коризлар бор. Нуротага яқин бир қишлоқни Зулқарнайн дейишади...

— Ана шулар тарихини ўрганиш керак. Халқ яратган ривоятлар замиридан ажойиб топилмалар, янгиликлар чиқиши аниқ. Дунё бўйлаб донғи кетган мармарларингиз, унинг усталари ҳақида нима биласизлар! Ҳамон сангтарош устазодалар борми?

Йигитлар Ғозғонда тоштарошлик билан шуғулланаётган айрим кишиларнинг номларини айтишади.

— Ҳм... — шоир кўрсаткич бармоғини« ҳозир» деган ишорада бир зумгина нуқиб, сукут сақлайди-да, костюмининг кўкрак чўнтагидан кўкимтир ён дафтари ва қаламини олиб, бир дақиқа ўтар-ўтмас тезда алланималарни ёзади. Дафтарга ёзилган варақни йиртиб, буғдойранг юзли, ўрта бўйли йигитга узатади.

— Биздан устага кўпдан-кўп саломлар айтиб, шул илтимосимизни етказасиз... Йигитлар, саломат бўлинглар, аъло ўқинглар.

Ғафур Ғулом ортидан ҳавас билан тикилиб қолган уч дўст «Шу топда қандай шеър ёзди-я...» деб бир парча қоғоздаги ёзувни кўришади:

«Шул табақ устида қуёш бўлсин,
Қўл узатган кишига ош бўлсин.
Нурота устасин ким қилса ҳурмат,
Эл-юртига раҳбар, бош бўлсин.

Ҳурматли Абдуллажон!

Саломдан сўнг, сизга айтар сўзим шулки, бир варақ қоғоз орқали сиз билан танишмоқчиман. Келинг, дўст бўлайлик».

Ғафур ҒУЛОМ.
Тошкент».

Шоирнинг дастхати ғозғонлик ўқитувчи, уста тоштарош Абдулла Ҳайитовга етказилади. Шоир илтимосини уста беҳад мамнуният билан қабул этади, табақ тайёрлайди. Мармардан сайқал топган бежирим силлиқ табаққа шоирнинг тўрт мисра шеъри ҳам битилади...

—Ғафур Ғулом хатини укам Шарифжон олиб устага элтиб беруғди. Кейин шеър ва нақш туширилган мармар табақни уста Абдулла ака билан бирга Тошкентга олиб борувдик, —

2.

дейди Нурота шаҳридаги меҳнат фахрийси, тил ва адабиёт ўқитувчиси Эшонқул Самад ўғли,—шоир уйида, чамамда қарийб бир соатлик меҳмондорчилигимизни ҳеч унутмайман. Ўша одамни эсласам... Товба, Ғафур Ғуломнинг кейинчалик яратилган машҳур «Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим...» шеъри ёдга тушади. Ўзи шундай бўлувди ҳам-да. Ғафур Ғулом оила аъзолари бирдек меҳмондўст, ширинсўзли ажойиб кишилар экан. Биз борганда, Ғафур ака қаергадир чиққан эканлар. Муҳаррам опа: «Ўзлари сизларни кўрмасалар ҳафа бўладилар» деб, гулзор ўртасидаги сўрига жой солиб, қўярда-қўймай дастурхон ёзиб меҳмоннавозлик қилиб туришди. Кўп ўтмай, шоир келдилару, ҳол-аҳвол сўрашгач: «Қийналмай топиб келдингизларми?» дедилар. «Уйингизни Муқимий театри олдида дейишган эди. Шу ергача келиб, милиционердан сўрадик», — дедик.

Олам билар, Фурқат кўча йўли бор,
Беруний майдони, ёшлар кўли бор.

«ТАБАҚ УСТИДА ҚУЁШ»

Муқимий биносин худди сўли бор,
Кўрсатувчи милиционер кўли бор.
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!

Шу мисраларни ҳар гал ўқиганимда, беихтиёр кулиб кўяман. Худди ўша суҳбатимиздан кейин ёзилгандек.

Ўша куни шоир биз билан очилиб сўзлашдилар. «Уйга дўстлар келганда, дастурхон устига бутун Ўзбекистонимизнинг саҳоватини намоён этгим келади. Қуйруқ ёғли тўрахон паловни мармар лаганда суздириб, ўртага қўйганга нима етсин. Ўшанда, назаримда, меҳмоннинг севинчи юз-кўзидан офтобдайин балқиб туради...» дедилар.

Гурунгимиз мароқли ўтди. Ғафур Ғулом уста Абдулла акадан тоштарошлар ҳақида сўрар, «ўқитувчи экансиз, шу халқ ҳунари сира сўнмасин...» дердилар, яна кўп яхши гаплар бўлувди.

Меҳмоннавоз шоир уйидан жуда хурсанд бўлиб чиқиб келаётганимизда, уста Абдулла ака Ҳайитов шундай девди: «Ғафур Ғулом чинакамига буюк инсон экан. Бўлмаса, арзимас ишимизга шунчалик бўлармиди? Гап-сўзлари қизиқ, назарингда анча баланд сўзлардию, лекин «яхши отга бир қамчи» деган истиҳолага бораётгандек, аммо шу гап-сўзларида қандайдир кишини қитиқловчи, олга чорловчи ишоралар бордай. Тинглаган сайин дил равшанлашарди, шоирга меҳринг ошарди. Кўнглидаги: «Ҳақиқатан ҳам тоштарошлик ҳунарини давом эттириш, ёшларимизга ўргатиш керак...» деган ниятқатъийлашарди...».

3.

Ғафур Ғуломни бениҳоят ҳурматлаб, акаука тутинган уста, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, жумҳурият, вилоят халқ амалий санъати буюмлари кўригида қатнашиб, бир неча бор диплом ва пул мукофотлари олади. Абдулла Ҳайитов (1973 йилда 66 ёшида вафот этди) кўп йиллар ёшларга тоштарошлик ҳунарини ҳам ўргатди. Ғафур Ғулом ўгитини эсидан чиқармади. Ниҳоят, бевосита шу кишининг ташаббуси туфайли Ғозғондаги 6-ўрта мактабда тоштарошлик тўгараги ташкил этилди. Ҳозир республикамиз мактабларида ягона ушбу тоштарошлик тўгарагига устанинг ўғли Эркин раҳбарлик қилмоқда...

Улуғ шоир Ғафур Ғуломнинг дўстликни, меҳмоннавозликни, одамга чексиз меҳр-муҳаббатни улуғловчи шеърларининг сарчашмаси халқимиз қалбида. Шу шеърлар бутун ўзбек халқининг саҳоватли, элимизнинг муқаддас, асл инсоний фазилатларини бадиий мужассам этади. Шоирнинг дўстлик, меҳмондўстлик руҳи билан суғорилган шеърлари моҳияти бирбирига занжирдай боғланган — улардаги мантиқий изчиллик кўриниб туради.

Юқоридаги воқеа билан боғлиқ ўша хатдаги тўрт мисра бадиҳа, шеър, ,назаримизда машҳур шоримиз Ғафур Ғуломнинг «Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим»...» шеърига ҳамоҳангдай:

Ҳар гуручи анор дона ош билан,
Муҳаррамой лаганмас, қуёш билан
Қўл кўкракда, таъзим этиб бош билан;
Ёр-оғайни, қари қартанг, ёш билан.
Бизнинг уйга кириб ўтинг, дўстларим!

Маълумки, Ғафур Ғулом хонадони — дўстлик хонадони бўлиб қолганди. Таниқли шоир, ёзувчилардан А. Толстой, С. Айний, Н. Тихонов, Я. Колас, А. Лоҳутий, К. Симонов, М. Турсунзода, Р. Ҳамзатов, чилилик Пабло Неруда, туркиялик Нозим Ҳикмат, франциялик Поль Вайян Кутьюрье, мексикалик Жоржи Амаду каби жаҳонга машҳур турли ирққа оид миллат, элатларнинг буюк сўз санъаткорлари йиғилишиб, эзгулик қурашида яна ҳам якдил бўлганлар. «Мисралар илҳомидан» дилларни ёритганлар.

Халқ шоирларининг умри боқий, Ғафур Ғулом уйига маданият арбоблари, дунёнинг турли бурчакларидан таниқли шоиру санъаткорлар, олиму фузалолари ташриф буюрадилар. Ғафур Ғуломга илҳом берган, уни камолотга етказган саҳоватли диёр ҳамиша қайноқ дўстлик меҳрини ошкор этади. Тўкин дастурхон атрофида мушоира авж олиб, турли тиллардаги дўстлик ўланлари баланд оҳангларда жаранглайди. Дўстлар ҳурматига ёзилган дастурхондан Нуротанинг мармар лагани ҳам ёниқ дил бўлиб ўрин олади. Шоир айтганидек, «табақ устида қуёш»га айланади... Дўстлик базми қизигандан-қизийди. Мангу барҳаёт шоир Ғафур Ғулом шеър ўқишда давом этади.

Азиз асримизнинг азиз онлари,

Азиз одамлардан сўрайди қадрин,

Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла

Безамоқ чоғидир умр дафтарин.

Шоир «умр дафтари»га «шоҳ сатрлар»ни юрак ҳарорати, қони билан абадий муҳрлади. Ардоқли сўз санъаткорининг маслаҳатига эргашиб, эзгу ишларни бажарганларнинг ҳам умри боқийдир. Ўтган йили ғозғонликлар ҳам ажойиб ўқитувчи, ҳам халқ амалий санъатининг фидойиси Абдулла Ҳайитовга ҳурмат кўрсатишди. У киши ишлаган ўрта мактабга номлари берилди.

...Яхшиларни ҳар доим ва ҳамиша эслаш савоб, дейишади.

Р. ҚОДИРОВ,
Республика Журналистлар уюшмаси мукофоти соврндори.

• *Яхшилик ерда қолмайди*

БИР ДАВРАДА 150 ТЎЙБОЛА

Келес шаҳридаги ҳиёбонда бирйўла юз эллик кичкинтойнинг суннат тўйи бўлди.

Тўй тараддуди эрта тонгданоқ бошланди. Дошқозонлар осилиб, тандирларда нон ёпилди, дастурхон тузалиб, ширинликлар тортилди. Ўзбек урф-одатига кўра улкан саҳнда тўйболалар учун тах урилди, турли ўйинчоқлар билан безатилган зардеворлар осилди.

Серҳиммат халқимиз ҳозирги иқтисодий қийинчиликда ҳам эзгулик, одамийлик ва меҳр-шафқат фазилатларини унутгани йўқ. Улар кимнингдир оғирини енгил қилиш, ҳаёт ташвишларидан шикаста кўнгилларга малҳам қўйиш тадбирларини изламоқда. Тошкент районн ҳокимлигининг ташаббуси ҳам ана шундай мақсадни кўзлайди...

Кечга бориб қўш карнай, қўш сурнай ва ноғоралар садоси остида тойчалар қўшилган аравачалар тўйболаларни олиб келади. Уларнинг эгнида ҳокимлик инъом этган тўй сарполари, дўппиларидаги жиғалар жилоланиб турарди.

Ота-оналар қариндош-уруғлари билан бирга гиламлар тўшалиб, дастурхон тузаб қўйилган сўрилардан жой олишади. Бугунги шодиёна тўй эгалари иззатда ўтиришибди.

— Зурриётларимиз учун ҳар қанча қилсак оз, — дейди район ҳокими Р. Акбаров. — Кўплашиб тўй ўтказиш ташаббуси ишбилармон кишиларимиздан чиқди. 300 минг сўм тўпланди. Тўйни ҳар бир оиланинг хоҳишига қараб ўтказаяпмиз.

Биз Навоий номидаги жамоа хўжалигида яшовчи кўп болали она Санобар опа Мирахмедова билан суҳбатлашдик:

— **Мен уч нафар Ҳасан-Ҳусан кўрганман. Турмуш ўртоғим, катта ўғлим ва тўнғич Ҳасан-Ҳусанларим вафот этишган. Ҳозир бир ўғлим етти нафар ўғилни тарбиялаяпман. Бугун мен учун катта байрам. Чунки кенжа Ҳасан-Ҳусанларим ҳам тўй бўляпти. Энди ўғилларимнинг ака-укалари 150 нафардан ошиб кетди...**

Санобар опанинг кўзларида ёш қалқиди. Бу қувонч шукроналик, яхши одамлардан миннатдорлик ёшлари эди. Биз тўй эгалари бўлмиш кўпгина ота-оналар, маҳалла оқсоқоллари билан гаплашдик. Улар бундай камчиқим тўйлар ўтказишни маҳаллаларда ҳам бошлаб юборишлозимлигини, нафақат

суннат тўйлари, никоҳ тўйларини ҳам биргалашиб ўтказиш ҳар томонлама қулай эканлигини айтдилар.

Тўйга қўшни Сариғоч райони ҳокимлиги ва кўпгина вилоятлардан меҳмонлар келишди. Жумҳуриятимизнинг машҳур хонанда-созандалари, аския усталари кечага файз киритдилар. Тўйболаларга турли ўйинчоқлар, уларнинг ҳар бирига 500 сўм пул ўтказилган жамғарма дафтарчаси ҳам ҳадя этилди.

П. НИШОНОВ,
ЎзА мухбири.
Тошкент вилояти.

Суратларда: тўй маросимидан тантаналар.
Л. ГУСЕЙНОВ олган суратлар.

МУСАВВИР КЎРГАЗМАСИ

Рассомлар уюшмасининг кўргазмалар залида Ўзбекистон халқ рассоми Раҳим Аҳмедовнинг 70 йиллигига бағишланган кўргазма очилди.

Мана ярим асрдирки, мўйқалам устаси ўз ижодида замондошимиз ташқи қиёфасинигина эмас, балки унинг бой ички дунёсини ҳам рангин бўёқларда моҳирона акс эттирмоқда. Рассомнинг «Колхозчилар», «Сурхондарёлик аёл», «Механизатор», «Йигит» сингари асарлари бунга мисол бўла олади.

СУРАТЛАРДА: мусаввир ўз набираси Нигина билан «Она ўйлари» расми ёнида ва унинг «Қўшиқ» картинаси.

Р. ШАГАЕВ олган суратлар (ЎзА).

• ОДОБНОМА

● Ҳикоя қилишга тутинаётганим бу икки ҳаётий воқеанинг «қаҳрамонлари» шахси аниқ кишилар. Мен уларнинг исм-шарифларини атайлаб тилга олмоқчи эмасман. Нега, дейсизми? Уларни ўйласам тилимгина эмас, дилим ҳам ўртанади. Ўртанади ҳам гапим, тўлғанади, даҳшатга тушади, унсиз бенхтиёр нола чекиб юборади. Шунчаки кўзлари кўзимга тушгудай бўлса жону жаҳонимда таърифга сиғмас титроқ, муштдакгина юрагимнинг ҳали-ҳануз жизиллаб турган санчиқли нуқталарида аёвсиз бир оғриқ пайдо бўлишини эслатиб қўймоқчиман, холос. Энг ачинарлиси ва даҳшатлиси шуки, дилимдаги бу оғир нуқталарнинг «ижодкорлари» Гиппократ қасамёдига бир умр амал қилишга аҳд этишгану аммо...

Улар битта, иккита, ўнта... бўлса ҳам майлийдия. Лекин... Қай бирини тилга олай, қай бири ҳақида сўзлай...

ЮРАГИМНИНГ ОҒРИҚ НУҚТАЛАРИ

БУНДАН беш йил муқаддам умримда биринчи марта шифохонада ётиб даволанишимга тўғри келди.

Қўшни хонада бир аёл даволатиш учун олиб келган қизалоғи билан ётарди. Қизчага табиат дунёга келганидаёқ тошбағирлик қилган: танглайсиз туғилган. Демакки, у келажакда яхши гапиролмайди, дудуқланади...

Шифокорлар уч-тўрт ёшга киргандан кейингина даволаб, сунъий танглай қўйиш мумкинлигини айтишган. Мана ўша муддат келиб, қизалоқ бир ойдан кўпроқ вақт даволаш муолажасини ўтказди, лекин операция негадир яна пайсалга солинаяпти.

Уч ёшли болакай эса гапиролмасди. Шунданми кўзларида мунг. Онасининг аҳволи эса боласидан бешбаттар. Шифокорлардан мадад кутарди.

— Ҳозир тайёр танглай йўқ. Болангизни кейинроқ олиб келинг, деяпмиз-ку..., — силтаб солди онани шифокорлардан бири.

Она эса бундай галга солишларини кўп кўрди. Энди қизалоғини операция қилдирмасдан шифохонадан бир қадам ҳам нари жилмоқчи эмасди. У болакайнинг енгил-тортиши учун ҳамма нарсага тайёр эди.

Кунлар кетидан кунлар ўтаверди. Бир куни мискин она қувончига сиғмай қолди. Қизчага сунъий танглай қўйилган эди. У операциядан муваффақиятли чиқди. Бўлимдаги беморлар бахтиёр онани табриклади, табиат ранжитган қизалоққа кўзда шодлик ёшлари билан тўйиб-тўйиб тикилдик.

— Ахийри топишибди-да, танглайни, — дедим она қувончига шерик бўлиб. — Қаранг-а, қийин эмас эканку?!

Чеҳраси чарақлаб турган онанинг юзларида заҳарханда илжайиш пайдо бўлди.

— Қаёқда дейсиз, оға? Мен ҳам жуда содда эканман. Шу ерда ётганлардан бири «Оз-моз пул бермагунингча ишинг битмайди» деган эди. Шу дарди бор экан, очиқ айтаолмайдими ахир, болагинамни шунча вақт қийнагунча. Мен гўл бўлмасам, буларни ҳалолмикан, деб юрармидим...

Бошимга гурзи билан ургандай, кўз олдим қоронғулашиб кетди. Оёқда тураолмай, хонамга кириб, ўзимни юз тубан каравотга ташладим. Юрагимда шундай бир оғриқ пайдо бўлдики, беихтиёр даҳшатга тушдим. Наҳотки шу қизчани даволаш, операция қилиш учун пора олишган бўлсалар?!

Мен онанинг ҳолатини тушунаман. Болагинаси учун ҳали пул экан-ку, ўшанда унга ўзининг танглайини олиб қўйишганида ҳам жон-жон деб рози бўлишини биламан.

Бу ерда ортиқ тураолмадим. Даволаш курсини ўтамаёқ шифохонадан чиқиб кетдим. Муолажани уйда давом эттирдим. Лекин, шундан буён, мана, орадан анча йил ўтибди ҳамки, пора эвазига даволанган қизалоқ ҳали-ҳануз хаёлимдан кетмайди. У хаёлимда умрбод яшаса ҳам ажабмас. Аммо, шундан буён мени бир нарса ўртайди, руҳиятимни қийнайди. Бу ўртаниш, бу қийноқ митти юрагимга ўткир ханжар каби зарб билан санчилди, доимий ва аёвсиз оғир нуқтаси бўлиб қолди. Мен қизчани даволаган врачларни олдиндан билар, фаришталардек пок бўлсалар керак, деб ўйлар эдим. Ўшандан буён уларни, қандай малакали шифокорлар бўлишидан қатъий назар, кўргани кўзим йўқ. Афсуски, бир шаҳарда яшаётганим боис гоҳ-гоҳ кўриб қоламан-у, ҳафта-ўн кунгача ўзимга келаолмай юраман...

Ҳамма учун аён ҳақиқат: врач бемор танламаслиги, унинг нуфузи ёхуд бой-камбағаллигига қараб иш юритмаслиги керак. Бу — Гиппократ қасамёдида ҳам, Ҳадисларда ҳам алоҳида таъкидланган.

САКСОНИНЧИ йилнинг ёзи эди. Ўшанда, кутилмаганда укам оғир хасталикка учраб, темир йўл шифохонасига тушиб қолди, у ердан вилоят шифохонасига ўтказишди: унга «шамоллаган» дея ташхис қўйишибди.

У дард чангалида бориўйғи тўрт кун тўлғонди. Шифохона врачлари ноилож қолишди. Тошкентдан бошқа бир беморни кўргани келган профессорга ҳам кўрсатдик. У ҳам тасалли берадиган гап айтаолмади. Укам шунгача бирон марта ҳам хасталикка учрамаган, шифохона остонасини хатламаган, жуда соғлом ва бақувват эди, шу боис, тузалиб кетишига ишонарди.

— Шаҳримиздаги иккинчи касалхонада бир врач бор. Мени шу келиб кўрса яхши бўлар эдим, бир-икки бор ҳамсуҳбат бўлганмиз, — деди у сўнгги илинжда. — Олиб келсангизлар яхши бўлардим...

Иккинчи шифохона дегани шаҳардан сал чеккароқда, ёшуллилар учун қурилган даволаш маскани эди. Тезда машина ёллаб, ўша ёққа чопдим. Май арафасиэкани хаёлимдан кўтарилибди: укам сўнгги нафасида кўришни орзу қилган врачни топмадим. «Уйида байрамга ҳозирлик кўраётган бўлиши мумкин», дейишди менга ёшуллилар шифохонасида. Сўнг уй манзилгоҳини ҳам айтиб беришди. Айтилган жойни тезда топдим. Мен излаётган врач эшиги олдида машинасига ўтириб, энди жўнай, деб турган экан. Ўзимни таништирдим: ўша пайтда «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасининг Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти ва Хоразм вилояти бўйича мухбири вазифасида ишлаётгандим. «Мезбон» унчалик рўйхуш бермади. Укам унинг номзодлигини ҳам айтган эди. Мақсадимни, тўғрироғи, сўнгти нафасда ётган укамнинг мақсади, орзу истагини айтдим.

— Доктор, жудаям бир варур ишингиз бўлмаса,— дея хансираганча гап бошладим мен, — ҳозир бирга бориб, укамни бир кўриб берсангиз яхши бўларди. Биринчидан оғир аҳволда ётибди. Атайлаб сизнинг номингизни айтган, шу келиб кўрса яхши бўлиб кетардим, деб илтижо қилган. Биламан, бугун дам олиш кунингиз экан. Лекин шундай бўлса-да, йўқ деманг доктор? Сизни ҳар дақиқа тилга олиб ётибди... Мени танийди деди...

— Танишга-ку танийман, — деди у ниҳоят, кўзларимга мурувватсиз ва алақандай бир нописандлик билан қараб. — Лекин мен ёшуллиларни даволайман...

Қулоқларимга ишонмай қолдим. «Нима деди, — дея сўрадим ўзим ўзимдан. — Ёшуллиларни яъни «катталарни» даволайман, деяптими? Бу нима дегани?». Руҳиятимни бир паст карахтлик чулғаб олди.

— Биламан, иккинчи касалхонада ёшуллиларни, уларнинг қариндош-уруғларини даволайсиз, биламан, — дедим ниҳоят ўзимни қўлга олиб. — Лекин, мундайроқ одамларни ҳам даволасангиз бир ерингиз камайиб қолмайди-ку, доктор?! Касалнинг раъйи, истагига ҳам бир бор қулоқ осақолинг. Шояд сизни кўриб, дарди чекинса... Ихлос қилиб, йўлингизга илҳақ тикилиб ётибди.

— Мен гапимни айтдим, — деди номзод — врач қатъий. — Шошиб бир ёққа кетаётувдим. Сиз укангиз ётган касалхона навбатчи-врачларини қаттиқроқ тутинг. Яхшироқ қарашади...

У юрагимда аёвсиз бир чандиқ-чидаб бўлмайдиган даражада оғриқли нуқта қолдириб, машинасига ўтирганча жўнаб кетди.

Укам ҳузурига бир алпозда, ҳуд-беҳуд бўлиб қайтиб келдим. Танишингни топмадим, деб алдадим. Уйидагиларга тайинлаб келдим, айтишса келар, дедим.

Икки кундан кейин укамни, у ўшанда қирқ бир ёшида эди, сўнгги йўлга кузатдик. Унинг армони, истаги юрагимга кўчиб қолган. Балки, фақат ёшуллиларни даволайдиган ўша врач умрида бир марта ҳиммат қилиб, илтижога қулоқ солганида укам соғайиб, ҳануз яшаб юрган бўлармиди?!

— Йўқ, мен ўша врач келмагани учун укам вафот этди, демоқчи эмасман. Балки, ўшандаёқ ўзининг куни битиб, Аллоҳнинг иродасини бажо келтиргандир. Унинг ўрнида бошқа, мутлақо нотаниш бемор бўлганидаям ўша совуқ, беҳис, масъулиятсизларча, энг муҳими, инсонийлик одобидан чиқиб кетиб айтилган бир калима сўзи учун, у қандай мартабали ва элда азиз бўлишига қарамай, илло-билло кечирмаган бўлардим. «Катталар»дан бошқаларни даволашга кўнгли чопмайдиган врач юрагимда қолдирган чандиқ ва оғриқ нуқтаси, мана, ўн уч йилдирки, жону жаҳонимни ҳамон тинимсиз зирқиратади, асабларимни қақшатади.

Эркин МАДРАҲИМОВ.

ТАБИАТ ИНЖИҚЛИГИ

14 июндан 15 июнга ўтар кечаси Янгиқўрғон, Чортоқ ва Косонсой районларининг аҳолиси учун жуда ташвишли бўлди. Бу ерда дўл аралаш жала қуйди, бўрон кўтарилди.

Қишлоқ жойларда 3450 та уйга шикаст етди, 10 минг гектардан ортиқ экин зарарланди, шундан 3389 гектари пахта майдони, 3826 гектари — боғ ва токзорлар, 948 гектари ғалла экинлари, 800 гектари маккажўхори ва 661 гектари сабзавот экинларидир. Кўп миқдордаги минерал ўғитларни ёмғир ювиб кетди.

31,3 километр ирригация шохобчалари, 80 километр йўл, 3 та кўприк бузилди. Дастлабки маълумотларга қараганда табиий офат 250 миллион сўмлик зарар етказди. Эрталабданоқ табиий офат оқибатларини тугатиш ишлари бошлаб юборилди.

ЎзА мухбири.

«Ўзбекистон овози» рўзномасининг ЖАРЧИНОМАСИ

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
1992—1993 ўқув йили учун сиртқи бўлимга
қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Қимё, жуғрофия, биология, математика ва информатика, физика ва информатика, меҳнат, чизмачилик ва тасвирий санъат, тарих, ўзбек тили ва адабиёти, ўзбек тили, адабиёти ва одобнома, рус мактабларида ўзбек тили ва адабиёти, дефектология, мусиқа, педагогика ва бошланғич таълим услубияти, бошланғич таълим услубияти ва одобнома, педагогика ва психология (мактабгача тарбия), рус тили ва адабиёти (рус тилида), қозоқ тили ва адабиёти (қозоқ тилида).

Ўқиш ўзбек ва рус тилида олиб борилади:

Ўқишга аксарият халқ таълими соҳасида ишлаётган ёшлар қабул қилинадилар.

Ўқишга кирувчилар мутахассисликлар бўйича қуйидаги фанлардан

имтиҳон топширадилар:

ҚИМЁ — кимё (ёзма), физика (оғзаки), она тили ва адабиёти (диктант) — конкурссиз имтиҳон.

ЖУҒРОФИЯ — жўғрофия (оғзаки), математика (ёзма), она тили ва адабиёти (диктант)—конкурссиз имтиҳон.

БИОЛОГИЯ — биология (оғзаки), кимё (ёзма), она тили ва адабиёти (диктант) — конкурссиз имтиҳон.

МАТЕМАТИКА ВА ИНФОРМАТИКА — математика (ёзма), математика (оғзаки), она тили ва адабиёти (диктант) — конкурссиз имтиҳон.

ФИЗИКА ВА ИНФОРМАТИКА — физика (ёзма), математика (оғзаки), она тили ва адабиёти (диктант) — конкурссиз имтиҳон.

МЕҲНАТ — физика (оғзаки), математика (ёзма), она тили ва адабиёти (диктант) — конкурссиз имтиҳон.

ЧИЗМАЧИЛИК ВА ТАСВИРИЙ САНЪАТ — ранг тасвири ва расм, чизмачилик, математика (оғзаки), она тили ва адабиёти (диктант) — конкурссиз имтиҳон.

ТАРИХ—тарих (оғзаки), она тили ва адабиёти (иншо), жўғрофия (оғзаки).

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ, ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТ ВА ОДОБНОМА;

ҚОЗОҚ ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ, РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ — она тили ва адабиёт (иншо), она тили ва адабиёти (оғзаки), тарих (оғзаки).

РУС МАКТАБЛАРИДА ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ — она тили ва адабиёти (иншо), она тили ва адабиёти (оғзаки), рус тили ва адабиёти (оғзаки), — конкурссиз имтиҳон.

ДЕФЕКТОЛОГИЯ — биология (оғзаки), она тили ва адабиёти (иншо), математика (оғзаки);

МУСИҚА — мутахассислик бўйича (оғзаки), она тили ва адабиёти (иншо), биология (оғзаки);

ПЕДАГОГИКА ВА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ УСЛУБИЁТИ, БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ УСЛУБИЁТИ ВА ОДОБНОМА — она тили ва адабиёти (иншо), она тили ва адабиёти (оғзаки), математика (ёзма).

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ (мактабгача тарбия) — биология (оғзаки), она тили ва адабиёти (иншо), она тили ва адабиёти (оғзаки).

КОНКУРССИЗ ИМТИҲОН — «қониқарли» ёки «қониқарсиз» деб баҳоланади.

Ҳужжатларни қабул қилиш 10 июндан бошланган.

Қириш имтиҳонлари — 11 июлдан 26 июлгача.

Талабалар сафига қабул қилиш 27—31 июлда ўтказилади.

Институтга кирувчилар ариза билан бирга ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат (асл нусхаси), меҳнат дафтарчасидан кўчирма (иш стажига эга бўлган шаҳслар учун), саломатлиги ҳақидаги 086/У формали маълумотнома, 3х4 см ҳажмдаги 6 дона фотосуратни топширадилар. Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқаси ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Қабул 1992 йил Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртларига қабул қилиш қоидалари асосида амалга оширилади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700100, Тошкент шаҳри, Глинка кўчаси, 3. Сиртқи бўлим қабул комиссияси.

МИРЗО УЛУҒБЕК номидаги САМАРҚАНД ДАВЛАТ МЕЪМОРЧИЛИК ҚУРИЛИШ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда қуйидаги мутахассисликлар бўйича 1993 йил учун аспирантурага

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Деформацияланувчи қаттиқ жисмлар механикаси.
2. Суюқлик, газ ва плазма механикаси.
3. Бино ва иншоотларнинг қурилмалари қурилиши.

Ҳужжатлар 1992 йил 1 июндан 31 августгача қабул қилинади.

Қириш имтиҳонлари 1992 йил 1 октябрдан 31 октябргача ўтказилади.

Маълумот учун қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинсин: 703047, Самарқанд шаҳри, Лолазор кўчаси, 70-уй, аспирантура бўлими.

Телефон 37-34-01.

ТОШКЕНТ МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

1992—1993 ўқув йили учун
кундузги бўлимга қуйидаги ихтисослик бўйича

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мактабгача тарбия муассасалари учун тарбиячилар тайёрлайди. Ихтисослик бўйича қуйидаги фанлардан танловли кириш имтиҳонлари топширилади.

1. Мутахассисликка йўналтириш фанидан (оғзаки).
2. Она тили ва адабиётидан (диктант).

Аризалар 25 июндан 31 июлгача қабул қилинади.

Қириш имтиҳонлари 1 августдан бошланади.

Билим юртига кирувчилар:
маъмурият номига ёзилган ариза.
Ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асл нусха).
086/У шаклидаги тиббий маълумотнома.
Паспорт.
3х4 ҳажмдаги 6 дона сурат.
Иш жойидан маълумотнома (иш стажига эга бўлганлар).
Меҳнат дафтарчасидан кўчирмани илова қиладилар.

Қабул «1992 йилда Ўзбекистон жумҳурияти халқ таълимининг ўқув юртларига қабул қилиш қоидалари» асосида амалга оширилади.

Манзилгоҳимиз: 700096, Тошкент шаҳри, Чилонзор ноҳияси, Муқимий кўчаси 178-уй.

Телефон 78-55-97.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ.

Янги КАМАЗ —53212 (тент) ва ГАЗ—53 (почта) машинасини сотаман. Тошкентдаги телефон 56-24-06.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И. М. Мўминов номидаги философия ва ҳуқуқ институти жамоаси философия филари номзоди Ш. Т. Тўлагановга онаси

Хонпошша ҲАЙДАРХУЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт Университетининг жамоаси умумий иқтисодий назариялар (ҳисоб-иқтисодиёт мутахассисликлари) кафедрасининг доценти Н. А. Абдуллаевга рафиқаси

Шарифахон АБДУЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Мева маҳсулотлари ва кўчат етиштириш «Ўзмевасаноати» фирмаси жамоаси фирма Президентининг ўринбосари Ш. Т. Тўлагановга ва фирманинг ташқи алоқалар бўйича директори А. Т. Тўлагановга оналари

Хонпошша ҲАЙДАРХУЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, уй-жой, коммунал хўжалик ва маиший хизмат кўрсатиш Бош бошқармаси ёрдамчи саноат корхоналари ташкил қилиш ва ривожлантириш бошқармасининг бошлиғи

Шарофутдин РАҲМАТУЛЛАЕВнинг

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Илгига 256 марта чиқади.
386.914 нусхада чоп этилмоқда.
Буюртма № Г—182.
Нашр кўрсаткичи—64583.
№ 118.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди—21.20. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.